

Сөхрар ва ғулом қиссаси

## الساحر والغلام

[Ўзбекча -Uzbek -]  
[الأوزبكي]

Усмон Ҳаким

2009 - 1430

islamhouse<sub>.com</sub>

# الساحر والغلام

« باللغة الأوزبكية »

عثمان حكيم

2009 - 1430

islamhouse<sup>.com</sup>

# Ислом Нури

## Болалар учун

### *Шоҳ ва гулом*

Сухайб розияллоху анхудан ривоят килинадики, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: "Сизлардан олдин яшаб ўтганларда бир шоҳ бўлиб унинг хизматида бир сехргар бор эди. (*Изоҳ: Бу шоҳ золим эди. У ўзини роб-худоман деб даъво киларди. Ўзига бўйсунмаган кишиларни сехргари билан кўркитар эди*). У сехргар кариб колгач шоҳга деди: "Энди мен кариб колдим. Менга бирон бир зукко гулом-ёш болани юборинг, мен унга сехрни ўргатай". Шоҳ бир гуломни сехр илмини ўрганиши учун унинг хузурига юборди. Гулом сехргарнинг уйига бораётганида бир роҳиб (ибодат учун узлатга чиккан одам)нинг олдидан ўтар эди. Кунларнинг бирида гулом роҳибнинг олдида ўтириб, унинг сўзларини тинглади ва бу сўзлар унга ёкиб колди. Шундан кейин хар гал гулом сехргарга бораётганида шу роҳиб олдида тўхтар ва у билан ўтирас эди. Сехргарнинг олдига келганида эса, сехргар уни кеч колгани учун урар эди. Гулом буни роҳибга шикоят килди. Роҳиб унга: "агар сехргардан кўрксанг, мени уйда ушлаб колишди, дегин. Уйдагиларингдан кўрксанг, мени сехргар ушлаб колди, деб айт", деди.

У мана шу зайлда бориб келар эди. Кунларнинг бирида унинг йўлидан катта бир хайвон чикиб колди. Бу хайвон одамлар йўлини тўсиб кўйиб, уларни ўтишга кўймаётган экан. Гулом ўзига ўзи деди: "Бугун мен ким афзалрок эканлигини билиб оламан, сехгарми, роҳибми?". Сўнгра у кўлига бир тошни олиб: "Эй Аллоҳ, агар Сенга роҳибнинг ишлари сехргарнинг ишларидан кўра севиклирек бўлса, бу хайвонни ўлдир ва одамлар бемалол ўтиб кетсинлар!", деб тошни хайвонга отди ва хайвон шу захоти ўлди. Одамлар йўлларида давом этдилар. Кейин гулом роҳибга келиб бўлган воеанинг хабарини берди. Роҳиб унга деди: "Углим, бугун сен мендан ўзиб кетдинг, чунки мен сен етган мартабангни кўрмокдаман. Шубҳасиз, сен якин кунларда синовларга дуч келасан. Агар синовларга дуч келсанг мени (устозинг эканлигимни) айтиб кўйма".

Гулом тугма кўр, мохов (пес) ва бошка касалликларни даволай бошлади. Бу нарса шохнинг якин (аъён, вазир)ларидан бўлган кўзлари кўр бўлиб колган киши эшитиб колди. У кўпгина совгалар олиб, гуломнинг олдига келиб айтдики: "Агар сен менга шифо берсанг, мана буларнинг барчаси сеники бўлади". Гулом унга жавобан деди: "мен хеч кимга шифо бера олмайман – шифони факат Буюк Аллоҳгина беради. Агар сен Аллоҳга иймон келтирсанг, мен Аллоҳга дуо киламан, сенга шифо беради". Шунда у Аллоҳга иймон келтириди ва Аллоҳ Таоло унга шифо берди. Кейин эса у одатига кўра шохнинг хузурига келиб ўтирди. Шоҳ ундан: "Ким сенинг кўзингни очди?" деб сўради. У: "Роббим" деди. Шоҳ: "Нима, сенинг мендан бошка хам Роббинг борми?" деб сўради. У: "Менинг Роббим ва сенинг Роббинг - Аллоҳ", деди. Шунда шоҳ уни ушлаб каттик кийнокка солди ва нихоят у гуломни айтиб кўйди. Гуломни шоҳ олдига келтирилди. Шоҳ унга деди: "Эй ўғилгинам, сен сехр илмида шу даражада кучайибсанки, тугма кўрларни ва моховларни даволаётган эмишсан. Бунга жавобан гулом деди: "Мен хеч кимга шифо бера олмайман – факатгина Буюк Аллоҳ шифо беради". Шунда шоҳ уни азоблай бошлади. Азоблайверди, азоблайверди ва нихоят у роҳибни айтиб кўйди.

Кейин унинг олдига роҳиб келтирилди ва унга: "Динингдан кайт!" дейилди. У эса рад килди. Шунда подшоҳ аррани олиб келишни буюрди, аррани роҳиб бошининг ўртасига кўйишди-да, арралай бошладилар хаттоқи роҳиб иккига бўлинниб ерга кулади. Шундан сўнг шоҳ хузурига унинг (кўзи очилган) якинини олиб келишди. Унга хам: "Динингдан кайт" деб айтилди. Бирок у хам рад этди. Шунда аррани унинг боши ўртасига кўйиб, токи унинг

танаси иккига бўлиниб ерга тушгунича арралашди. Сўнгра шох олдига гулом келтирилди ва унга хам: “Динингдан кайт!” дейилди. У хам бош тортди. Шунда шох бир нечта хизматчиларига уни топшириб: “Фалон токка уни олиб чикинглар ва чўккисига етганингларда, агар у динидан кайтса кайтди, йўкса, уни пастга ташлаб юборинглар!” деди.

Улар гуломни айтилган жойга олиб боришди ва уни токка олиб чикишди. У: “Эй Аллох, Ўзинг хохлаган нарса билан мени улардан куткар!” деди. Шунда тог силкиниб улар пастга кулақ тушишди. Гулом эса шох олдига келди. Шох сўради: “Сен билан бирга бўлганларга нима килди?” Гулом айтдики: “Буюк Аллох мени улардан куткарди!” Шунда шох бошқа хизматчиларига уни топшириб: “Уни кемага ўтқизиб денгиз ўртасига олиб боринглар. Агар у динидан кайтса кайтди, йўкса уни сувга ташланглар!”, деди. Улар уни буюрилган жойга еткизишли. У ерда гулом дуо килди: “Эй Аллох, Ўзинг хохлаган нарса билан мени улардан куткар!” Шу пайт кема агдарилди ва шох хизматчилари чўкиб кетдилар. Гулом эса яна шох олдига келди. Шох: “Сен билан бирга бўлганларга нима килди?” деб сўради Гулом жавоб берди: “Аллох таоло мени улардан куткарди!”, сўнгра шохга айтдики: “Мен сенга буюрадиган ишни килмагунингча, мени ўлдира олмайсан!” Шох сўради: “У нима экан?” Гулом жавоб берди: “Одамларни бир майдонда йиг, мени дараҳт танасига bogla. Кейин эса менинг ўқдонимдан бир дона ўқни олиб камон (ёй) ўртасига кўйиб: “Шу гуломнинг Роббиси бўлмиш Аллох номи билан!” деб айтиб от. Ана шундагина сен мени ўлдира оласан.

Подшоҳ одамларни кенг бир майдонга йигиб гуломни дараҳт танасига боғлади, унинг ўқдонидан бир дона ўқни олди, камоннинг ўртасига кўйиб: “Шу гуломнинг Роббиси бўлмиш Аллох номи билан!”, деб айтиб отганди, ўқ (гуломнинг) чаккасига тегди. У чаккасини ушлаб ўлди. Шунда одамлар: “Биз гуломнинг Роббисига иймон келтиридик!”, “Биз гуломнинг Роббисига иймон келтиридик!”, “Биз гуломнинг Роббисига иймон келтиридик!” дейишиди. Сўнгра шохнинг олдига аъёнлари келиб: “Ана энди нима дейсиз?! Аллохга касам ичиб айтамизки, сиз эҳтиёт бўлган иш юзага келди – одамлар иймон келтиришди!” дейишиди. Шунда шох шахар дарвозалари олдида чукур хандаклар казишини буюрди. Хандаклар казилиб, ичларига ўтлар ёкилди. Сўнгра шох: “Ким динидан кайтмаса, уни ўтга ташланглар!” деди. Миршаб (мелиса)лар унинг буйругини астойдил бажаришга киришдилар. Навбат кўлида ёш гўдаги бор бир аёлга келганда у аёл ўтга тушишдан ўзини олиб кочди, шунда гўдак тилга кириб унга деди: “Онажон, сабр килинг, албатта, сиз хак узрасиз!”

Имом Муслим ривояти

Ушбу тарихий киссадан кўйидаги фойдаларни олишимиз мумкин:

1. Бирон киши хак динни таълим олаётган бўлса, бунга унинг уйидагилари ва бошқалар карши бўлсалар уларга то улар бу хакни тушунгунларигача ёлгон сўзлашининг мумкинлиги. Буни роҳибнинг ушбу сўзларидан олинади: “Роҳиб унга: “агар сехргардан кўрксанг, мени уйда ушлаб колишиди, дегин. Уйдагиларингдан кўрксанг, мени сехргар ушлаб колди, деб айт”.

2. Оллох таоло солих кишиларни яхши кўриши ва сехргар, фолбин ва азайимхонларнинг ишларини ёқтирмаслиги. Буни гуломнинг ушбу сўзларидан олинади: “Эй Аллох, агар Сенга роҳибнинг ишлари сехгарнинг ишларидан кўра севиклирок бўлса, бу хайвонни ўлдир ва одамлар бемалол ўтиб кетсинлар!”, деб тоини хайвонга отди ва хайвон шу захоти ўлди.”

3. Мўъмин иймонига ва амалига яраша мусибатларга мубтало бўлади. Буни роҳибнинг гуломга айтган мана бу сўзларидан олинади: “Ўглим, бугун сен мендан ўзиб кетдинг, чунки мен сен етган мартабанги кўрмокдаман. Шубҳасиз, сен якин кунларда синовларга дуч келасан”.

4. Кишининг бошига кийинчиликлар тушганда хакни ўргатган устозлари ва биродарларини айтиб кўймаслик. Буни хам рохивнинг сўзидан олинади: "Агар синовларга дуч келсанг мени (устозинг эканлигимни) айтиб кўйма".

5. Киши мен ундан кила оламан, бундай кила оламан демаслиги балки, агар Оллоҳ мени буларга кодир килсагина кила оламан деб ишнинг барчасини Оллоҳга кайтариши кераклиги. Чунки биз факат Оллоҳ хохлаган нарсанигина Унинг мадади билан кила оламиз. Буни гуломнинг мана бу сўзларидан олинади: "мен хеч кимга шифо бера олмайман – шифони фактат Буюк Аллоҳгина беради".

6. Киши золимлар кўлига тушиб колса ва улар уни динидан кайтармокчи бўлсалар, улардан кутулиш йўли колмаса жонни фидо килиш. Бу рохив ва кўзи очилган шохнинг якини килган ишдан олинади: "Динингдан кайт!" дейилди. У эса рад килди. Шунда подшоҳ аррани олиб келишини буюрди, аррани рохив бошининг ўртасига кўшишида-да, арралай бошлидилар хаттоки рохив иккига бўлиниб ерга кулади".

7. Оллоҳга ихлос билан дуо килинса албатта Оллоҳ таоло дуони ижобат килади. Бунга гуломнинг дуолари далилдир: "Эй Аллоҳ, Ўзинг хохлаган нарса билан мени улардан куткар!"

8. Оллоҳ йўлига чакиравчи даъватчи иложи бўлса хаттоки ўлими билан хам кўпчиликнинг хидоятига сабабчи бўлсин. Бу хам гуломнинг ўлимида акс этгандир: "Подшоҳ одамларни кенг бир майдонга йигиб гуломни дараҳт танасига боғлади, унинг ўқдонидан бир дона ўкни олди, камоннинг ўртасига кўйиб: "Шу гуломнинг Роббиси бўлмии Аллоҳ номи билан!", деб айтиб отганди, ўқ (гуломнинг) чаккасига тегди. У чаккасини ушлаб ўлди. Шунда одамлар: "Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!", "Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!", "Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!" дейишиди."

9. Агар подшоҳ золим бўлса унинг атрофидагилари ундан кўра маккоррок бўлишлари: "Сўнгра шохнинг олдига аъёнлари келиб: "Ана энди нима дейсиз?! Аллоҳга касам ичиб айтамизки, сиз эҳтиёт бўлган иши юзага келди – одамлар иймон келтиришиди!"

10. Тарихда хам золим подшоҳларнинг ёрдамчилари миршаблар экани: "Ким динидан кайтмаса, уни ўтга ташланглар!" деди. Миршаб (мелиса)лар унинг буйругини астойдил бажаришга киришидилар".

11. Ёши катта аклли кишилар гохида хакикат билан ноҳаклик ўртасини ажратолмай иккиланиб колганларида ёш-гўдаклар уларга хак нималигини таъкидлаб, тушунтириб кўйишларининг мумкинлиги ва "хамиша отабоболарники тўгри ёшларники хато" деган коиданинг хатолиги: "Навбат кўлида ёш гўдаги бор бир аёлга келганда у аёл ўтга тушишидан ўзини олиб кочди, шунда гўдак тилга кириб унга деди: "Онажон, сабр килинг, албатта, сиз хак узрасиз!"

Оллоҳ таоло барчаларимизга фойдали илмлар ато этсин!